

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ

Улуғбек Мамадалиев

Миллий гвардия кўмондони маслаҳатчиси
(Тел.:94.921-20-20)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида қонун устуворлигига эришишнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти ҳақида фикр юритилиб, Янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги бугунги ҳаракатлар ва стратегик тамойиллар таҳлил қилинади.

***Калит сўзлар:** ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, суд-ҳуқуқ тизими, суд қарори, прокуратура органлари, коррупцияга қарши курашиш*

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматривая социально-политическое значение достижения верховенства закона в процессе построения демократического правового государства, анализируются сегодняшние действия и стратегические принципы по обеспечению верховенства закона в Новом Узбекистане.

***Ключевые слова:** правовое государство, верховенство закона, права и свобода человека, судебная система, судебное решение, органы прокуратуры, борьба с коррупцией.*

КИРИШ

Ўзбекистон қисқа муддатда ўнлаб йилларга тенг тараққиёт босқичидан ўтиб, ўзига хос тараққиёт моделини яратиб, кенг кўламли ютуқлар кўламини муттасил ошириб борди. Ушбу ривожланиш моделининг асосий хусусияти нафақат динамик ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, балки демократик мезонлар, шунингдек, қонун устуворлигини киритиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида жадал ўсишни муваффақиятли таъминлаш муҳим аҳамият касб этди.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ

тизимда қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишдан иборат.

Қадимги юнон файласуфи Демокритнинг ёзишича, сиёсат одамларни ишонтириш, уларни маълум мақсадларга сафарбар этиш, онгига таъсир этиш воситасидир. Сиёсий раҳбар ишонч қозониш учун танлаган воситалари қанчалик ҳалол ва соф бўлса, халқнинг ишончи шунчалик мустаҳкам бўлади. М.А.Атавуллаев “Маънавий-ахлоқий императивлар ҳуқуқ, юридик догматикага қандай муҳтож бўлса, аксинча, ҳуқуқ юридик нормалар ҳам маънавий- ахлоқий императивлар ёрдамига шунчалик муҳтож. Маънавий-ахлоқий императивлар эса инсоннинг эркин яшашга мойиллигини, иложи борича, чегараламасликка интилади, бу борада унга турли восита ва йўлларни танлашга имкон қолдиради. Шунинг учун ҳам маънавий-ахлоқий императивларнинг ҳуқуқий қадриятларга таъсири уларда гуманистик нормаларга ўрин қолдирганда кўзга ташланади” , - деб таъкидлайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тараққиётнинг асосий шартларидан бири жамиятда қарорлар ва инсоний муносабатларнинг қонун асосида шаклланишидир. Бу қонун устуворлиги деб аталади.

Қонун устуворлиги тамойили биринчи марта Магна Сартада учрайди. Бу ҳужжат 1215 йилда кўзғолончи баронлар томонидан имзоланган ва Англия қироли Жонни унга имзо чекишга мажбур қилган. Ҳужжатда ҳатто қирол қонунга бўйсунуши кераклиги кўрсатилган.

Профессор Альберт Венн Дайси қонун устуворлигини концепция сифатида ишлаб чиққан шахс эди. Дайси 1885 йилда чоп этилган “Ҳуқуқ ва Конституция” китобида қонун устуворлигини урта тамойил билан боғлаган. Булар қонун устуворлиги, ҳаммининг қонун олдида тенглиги, жамиятда қонунга ҳурмат руҳи ёки анъанасининг мавжудлиги.

Қонун устуворлиги ўз-ўзидан пайдо бўлиши ва фаолият юритиши мумкин эмас. Унинг ишлаши учун зарур шарт-шароитлар, айниқса, сиёсий ирода бўлиши керак. Аввало, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида, яъни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида аниқ чегара бўлиши керак. Шу билан бирга, судларнинг мустақиллиги ва уларнинг қарорларига ҳеч қандай тарзда аралашмасликдир.

Яна бир муҳим шарт – жамиятда қонунни ҳурмат қилиш анъанаси ва муносиб маданият бўлишидир. Одамлар қонунларга, суд қарорларига ва

умуман адолатга шубҳа билан қарайдиган жамиятларда қонун устуворлиги катта хавф остида бўлади.

Қонун устуворлигининг мавжудлигини белгиловчи яна бир омил - бу судга келган ҳар бир шахсга нисбатан адолатли судловнинг таъминланишидир. Бу одамларнинг жиноят содир этишда айби исботланмагунча оқланишини ҳам ўз ичига олади. Қонун устуворлиги бизнинг кундалик ҳаётимизга, бошқа одамлар ва ҳукумат билан муносабатларимизга бевосита дахлдор бўлган мезондир.

Қадимги Юнонистонда давлат қонун устуворлигини таъминловчи сиёсий институт ҳисобланган. Юнон файласуфи Гераклитнинг айтишича, “Одамлар қонун учун ҳам, ўз деворлари учун ҳам курашишлари керак”. Пифагор “Қонун ҳамма нарсанинг моҳиятидир” деса, Платон “Давлат адолатли қонунлар мавжуд бўлган жойда мавжуд бўлиши мумкин”, - дейди. Аристотелнинг таъкидлашича, “Кимки қонун шоҳлигини изласа, у, албатта, Худо ва ақл шоҳлигини қидиради”.

XVII-XVIII асрларда Европа либерал-демократик тафаккури вакили бўлган файласуфлар қонун устуворлиги тамойилини янги даврга мувофиқ талқин қилдилар. Локк ҳуқуқий давлатнинг асосий хусусияти бўлган эркинликни ҳуқуқ билан тенглаштирган: “Қонун бўлмаган жойда эркинлик ҳам бўлиши мумкин эмас”. Европада қонун устуворлиги асосчиси ҳисобланган Монтеске бу ғояни ишлаб чиқди ва эркинлик қонун билан рухсат этилган ҳамма нарсани қилиш ҳуқуқи эканлигини кўрсатди. XVIII асрда Франциянинг энг зиддиятли сиёсатчилардан бири Робеспьер қонунларнинг кучи адолатга боғлиқлигини таъкидлайди. Қонун устуворлиги тамойили XVIII асрда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясида ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948)да ўз ифодасини топган.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларациясининг 5, 6, 7 ва 8 моддаларида қонун устуворлиги таъкидланган: “Қонун фақат жамиятга зарар келтирадиган хатти-ҳаракатларни тақиқлаш ҳуқуқига эга. Қонунда тақиқланмаган ҳар қандай нарсага йўл қўйилади, ҳеч ким қонунда кўрсатилмаган ишларни қилишга мажбурланмаслиги керак”.

Қонун умумий ироданинг ифодасидир. Барча фуқаролар қонун яратишда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 7 моддасида қонун устуворлиги мустаҳкамланган:

“Барча инсонлар қонун олдида тенгдир ва ҳеч қандай камситилмасдан, қонун олдида тенг ҳимояланиш ҳуқуқига эга”.

Ҳукукий давлат қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон Республикаси бу соҳада қонун устуворлигини энг муҳим омил деб билди.

Қонунчилик асосан қуйидаги масалаларни қамраб олади:

- 1) қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;
- 2) қонунларнинг бажарилиши ва уларга риоя этилиши;
- 3) қонунларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Демократик ҳуқуқий давлат қуриш сиёсий-ҳуқуқий жараён бўлиб, у норматив-ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлган жамоат муносабатларини аниқлаш ва қонунийлаштириш жараёнини ўз ичига олади.

Қонунлар ижросини назорат қилиш - бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нафақат қонунлар ижросига, балки ушбу қонунларнинг бажарилишини назорат қилишга асосланган фаолиятдир. Қонун ҳужжатларининг мазмуни нафақат давлат органларининг ўз вазифаларига риоя этиши ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни, балки қонунлар ижросини ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий давлат қуришда қонун устуворлиги тамойилини таъминлашда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муҳим аҳамиятга эга:

- мустақил, демократик, ҳуқуқий, дунёвий ва ижтимоий йўналтирилган давлат қуриш йўлида биргаликда саъй-ҳаракатларни амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон фуқароларини ўз атрофида бирлаштириб, партиявий ишларга жалб этиш;

– давлат қурилишини профессионал бошқарув ва демократик тамойиллар асосида ривожлантириш, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича асосли таклиф, дастур ва платформаларни ишлаб чиқиш ;

- қонунларга нисбатан умумхалқ ҳурматини таъминлаш, қонунлар ижросини таъминлаш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократлаштириш мақсадида кенг қўламли сиёсий фаолиятни амалга ошириш.

Шавкат Мирзиёев ҳуқуқий давлат қуришда тарихий ва миллий анъаналарга таянишдан ташқари, жаҳон тажрибасидан олинган демократик тамойиллардан фойдаланишни асосий шарт деб билди ва ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги асосий тамойилларини амалга оширишни стратегик вазифа сифатида белгилаб берди:

1. Қонун устуворлиги.
2. Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг реаллиги тамойили.
3. Давлат ва шахснинг ўзаро жавобгарлиги тамойили.

4. Ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши принципи.

5. Қонунларнинг бажарилиши устидан суд, прокурор назорати, ҳакамлик назорати ва бошқалар амалга оширилади. Демократик ҳуқуқий давлатни амалга ошириш оддий жараён эмас, балки жуда мураккаб ва зиддиятли жараёндир.

Демократия қуйидаги тамойилларга асосланади:

1. Жамиятда қонун устуворлигига асосланиш.
2. Демократияга идрок этилган зарурат сифатида қараш.
3. Халқ ҳокимияти институтларини барпо этиш ва уларни ҳурмат қилиш.
4. Демократияга мураккаб зиддиятли жараён сифатида қараш.

Ҳуқуқий давлат фуқаролари эркин ва мустақилдирлар, улар қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай ишни қилишлари мумкин. Бошқа томондан, улар моддий ва маънавий қадриятлар учун жавобгардир. Бундай фуқаролик жамияти қонун устуворлигини ва давлатнинг мамлакат хавфсизлигини таъминлаш қудратини тан олиши керак.

Қонун устуворлигини ҳимоя қилишнинг олий тамойилини давлатчиликнинг бош мақсадига айлантирган Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида давлат-фуқаро муносабатларида янги босқич бошланди. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини юқори даражада ҳимоя қилиш, инсонпарварлик ғояларини рўёбга чиқариш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, давлат бошқарувини демократлаштириш имкони яратилди.

Давлат етакчиси фаолиятининг асосий йўналишларидан бири демократик мезонларни янада мустаҳкам пойдеворга ўрнатиш, фуқаролик республикаси ва ҳуқуқий давлат барпо этиш бўлди. Бу борада амалга оширилаётган чоратадбирлар жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олиб, мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимдаги туб ўзгаришлар билан ажралиб туради, энг замонавий жаҳон андозаларига мослаштирилади. Шавкат Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий ислохотлар, қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар, янги институционал институтларнинг ташкил этилиши Янги Ўзбекистон учун янги босқични очиб берди.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш, маънавий-ахлоқий асослар ва умуминсоний қадриятларни юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш шароитларида доимий равишда кенгайиб бормоқда. Шунингдек,

фукаро билан давлат, ҳукумат, бошқарув, суд органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар жамият, ҳуқуқ ва сиёсатнинг янгиланган ўзаро муносабатлари генезиясини давом этмоқда.

ХУЛОСА

Ўзбекистон бугун дунёнинг энг тез ривожланаётган давлатларидан бирига айланди. Республикамиз жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминламоқда, йирик инфратузилма лойиҳалари, ҳудудий дастурлар амалга оширилмоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кузатилаётган уйғониш ва тикланиш инсон ҳуқуқлари тизимини такомиллаштиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Энг муҳими, бугунги кунда Ўзбекистон жамиятининг яхлитлиги ва мустақамлиги таъминланди, одамлар муваффақиятли келажакка умид қилмоқда. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кузатилаётган уйғониш ва тикланиш инсон ҳуқуқлари тизимини такомиллаштиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда, 20-сон
2. Атавуллаев М.А. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий кадрларнинг ўрни. Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 2019. – Б.15.
3. Гераклит Эфесский. О природе: с комментариями и иллюстрациями. - Москва : АСТ, 2022. - 218 с.
4. Rahimjonov, A. (2022). KO 'CHMAS MULK SOTILGANDA YER UCHASTKASIGA BO 'LGAN HUQUQNING YURIDIK TAQDIRINI BELGILASH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(1), 421-429.
5. Суриков И.Е. Пифагор. - Москва : Академический проект, 2018. - 270 с.
6. Платон. Политик / Платон ; исследование, перевод и комментарии Р. В. Светлова. - Санкт-Петербург : Платоновское философское общество, 2019. - 211 с.
7. Imomniyozov, D. B. O. G. L. (2021). IKKIYOQLAMA SOLIQQA TORTMASLIK PRINSIPINING AHAMIYATI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(10), 1174-1182.
8. Аристотель. Политика; Риторика. - Москва : Эксмо, 2019. - 382 с.
9. Локк Джон. Опыт о человеческом. - Санкт-Петербург : Азбука, 2022. - 859 с

-
10. Морозова Е. Робеспьер. Серия: «Жизнь замечательных людей».-М.: Молодая гвардия, 2016. - 256 с
 11. Всеобщая декларация прав человека. СПб 1999. – 32 с.
 12. Imomniyozov, D. B. O. G. L., & Atalikova, G. S. (2022). INGLIZ VA MILLIY HUQUQIMIZDA SHARTNOMAVIY JAVOBGARLIKNING ASOSLARI. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(2), 84-95.
 13. Рахимжонов, А. (2022). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ГРАЖДАНСКО-ПРАВОВОЙ ОСНОВЫ КУПЛИ-ПРОДАЖИ ЖИЛЬЯ. *Academic research in educational sciences*, 3(1), 632-638.